

# Қозоғистон топширган диндорлар 'ҳануз қийноққа солинмоқда'

🕒 24 Июнь 2014 | 📧



🔗 Баҳам кўринг

Францияда жойлашган АСАТ-France (Ўлим жазоси ва қийноқларга қарши насронийлар уюшмаси) инсон ҳақлари ташкилоти уч йил аввал Қозоғистондан Ўзбекистонга топширилган 29 нафар диндорнинг ҳануз қийноққа солинаётганини айтган.

Франциялик ҳуқуқ фаоллари Қозоғистон ҳукуматидан уларга қарши қийноқ қўллангани ҳақидаги иддаоларни текшириш ва қочқинларнинг оилаларига товон пули тўлашни тезлаштиришни талаб қилганлар.

Jarayon.com сайтнинг ташкилот эълон қилган баёноддан иқтибос келтиришича, АСАТ қозоқ ҳукуматини қийноқларга шерикликда айблади.

Ташкилотга кўра, 2012 йил ёзида маҳбусларнинг қийноққа солингани ҳақидаги хабарларни текшириш учун Ўзбекистонга йўлланган Қозоғистон дипломати ўзбек қамоқхонасида уларни қийноққа солинмаганликлари ҳақида ариза ёзиб беришга "мажбурлаган".

АСАТ-France шунингдек, Ўзбекистон ҳукуматини 2011 йил июнида Қозоғистондан экстрадиция қилинган қочқинларни зудлик билан озод қилиш ва уларнинг жисмоний ва руҳий дахлсизсизликларини таъминлашга чақирган.

Ватанида диндорлиги учун таъқиб қилинганини айтган 29 нафар ўзбекистонлик бошпана изловчилар 2010 йил июнида Алма -Ота полицияси



АСАТ Қозоғистон маҳбусларнинг яқинларига товон тўлаши кераклигини айтади

томонидан ушланган.

Қозоқ томони уларнинг ўзбек ҳуқуқ-тартибот идоралари томонидан оғир жиноятлар содир этганликда гумонланиб, қидирувга берилганликларини айтган.

Қозоқ расмийлари қочқинларни бир йил давомида ҳибсда ушлаб туришган ва БМТ Қочқинлар бўйича Олий Комиссарлигининг Олма-Отадаги идораси уларни қочқинлик мақомидан маҳрум қилган.

Франциянинг инсон ҳақлари ташкилоти 2011 йилда 29 нафар қочқин номидан Бирлашган Миллатларнинг Қийноқларга қарши қўмитасига ариза топширганди.

Ўз навбатида БМТ қўмитаси Қозоғистон ҳукуматига ариза кўриб чиқилгунича қочқинларни экстрадиция қилмай туришни тавсия этган.

Аммо шунга қарамай Қозоғистоннинг қочқинларни Ўзбекистонга топшириш қарори халқаро инсон ҳуқуқлари ташкилотларининг қоралашларига сабаб бўлган.


Қозоқ маҳкамаси қочқинлар ватанларида диний эътиқоди туфайли таъқиб қилингани ва Ўзбекистонда қийноқларга юз тутишлари ҳақидаги даъволарни рад этган.

Ўзбекистон ҳукумати 29 нафар маҳбуснинг қийноққа солингани ҳақидаги хабарларни шарҳламаган.

Маҳбусларнинг аксарияти қийноқлар билан ном чиқарган Қорақалпоғистондаги "Жаслиқ" қамоқхонасида сақланаётгани айтилади.

Маҳбусларнинг Қозоғистонда қолган яқинлари учинчи давлатда бошпана топишгани ёки излашаётгани айтилади.

Би-Би-си Париждан инсон ҳуқуқлари фаоли Мўтабар Тожибоева билан боғланиб, аввалига 29 нафар диндорнинг ҳалигача қийноққа



Маҳбуслар қийноққа солинмаётганликлари ҳақида ариза ёзиб беришга 'мажбурланган'



АСАТ Қозоғистонни қийноқларга шерикликда айблади

солинаётгани ҳақидаги хабарлар қандай далилларга асосланган, деб сўраган.



Матнда имло хатоси бўлса, бизга билдиринг.

Би-би-си Ўзбек хизмати билан Whatsapp орқали боғланишни истасангиз, телефонимиз: +44 78-58-86-00-02

[Шарҳларни кўриш](#)

Бу ҳикояни баҳам кўринг Баҳам кўриш ҳақида



[Тепага қайтиш](#)

Бошқа мавзулар >



"Сурияга чиқиш визаси учун пора олган"

🕒 10 Июл 2016



Шоу- бизнесда Гулнора Каримовани "соғинишган"

🕒 10 Июл 2016



40 даража жазирамада деҳқон уйида ўтирсинми?

🕒 8 Июл 2016

## Муҳаррир танлови



**Жаҳон Чемпионати-2018:  
Ким ғалаба қилади? BBC  
News ўйини билан бир  
башорат қилиб кўринг**



**Москвадаги ўзбеклар:  
“Пулсиз қолдик, қарзга  
ботдик...”**



**Собиқ уйсиз дунёни  
очликдан қандай  
қутқармоқчи?**



**Дунёда мисли кўрилмаган  
тажриба: Ўзбекистон Орол  
денгизи тубини ўрмонга  
айлантирмоқда**



**Инглизча «дунёнинг  
севимли тили» бўлиб қола  
оладими?**



**Рўзанинг танамизга  
таъсирини биласизми?**



**Би-Би-Си охири замон  
ҳақида хабар берди(ми?)**

## Энг кўп ўқилган

Каттақўрғон милицияси раҳбарларига чора кўрилди

**1**

"Менинг исмим Жиход"

**2**

Россия, Москва, футбол, ЖЧ-2018: Франция жаҳон чемпиони

**3**

## Би-би-си Ўзбек хизмати Интернетда

Facebook

Twitter

YouTube

Мой мир

Google+

Telegram

Одноклассники

Instagram

### Хизматлар



RSS

## Sahifa xaritasi

News

Sport

Weather

Radio

Foydalanish shartlari

BBC haqida

Shaxsiy ma'lumot siyosati

Cookies

Accessibility Help

Parental Guidance

Bi-bi-si bilan bog'laning

Get Personalised Newsletters

Биз билан реклама қилинг

Реклама танлови

Copyright © 2018 Би-би-си. Bi-bi-si tashqi saytlar uchun mas'ul emas **Tashqi saytlar linklariga munosabatimizga doir**